

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ РУС АҲОЛИСИНИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИГА КЎЧИРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР

Хусниддин Жураев, PhD

Тарих факультети декани, Фарғона давлат университети,
Ўзбекистон, Фарғона шаҳри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7324368>

Аннотация: Туркистонга аҳолини кўчириши жараёнида жуда кўплаб муаммоли вазиятлар келиб чиқаётганлиги сабабли ушбу соҳада империя ҳукумати томонидан махсус қоида ва низомлар ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Туркистонга кўчирилган аҳоли янги жой шароитига кўниқиб, мослашиши жараёнида бир қатор муаммоларга дуч келиши табиий ҳол эди. Ушбу муаммолар сифатида аҳолини қабул қилиш шохобчаларидан янги жойларга кўчиб ўтиб, у ерга жойлашишидаги қийинчиликлар, дастлабки ертўла ва қамишканалардаги ноқулай маиший турмуш, касбни ўзгартириш зарурати, кўчириб келтирилганларни барчасига ҳам ер фондарини етишмаслиги, тақсимланган ерларнинг яроқли ва унумдор эмаслиги, ерга ишлов бериш учун ишчи ҳайвонларини ижарага олиш ҳаражати, казаклардан олинadиган уй-жой ижарасининг қимматлиги кабиларни кўрсатиши мумкин.

Калит сўзлар: Россия империяси, аҳолини кўчириши жараёни, маҳаллий аҳоли, уй-жой ижараси.

ПРОЦЕСС ПЕРЕСЕЛЕНИЯ В ФЕРГАНСКУЮ ДОЛИНУ РУССКОГО НАСЕЛЕНИЯ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ И ЕГО ПРОБЛЕМЫ

Аннотация: В связи с тем, что в процессе переселения населения в Туркестан возникало множество проблемных ситуаций, возникла необходимость разработки правительством империи специальных правил и уставов в этой области. Переселившееся в Туркестан население, привыкнув к условиям нового места, в процессе адаптации столкнулось с рядом проблем. К этим проблемам относятся трудности с переселением населения из приемных пунктов на новые места и заселением там, неблагоприятное жилищное положение в первоначальном подвале и камышах, необходимость смены профессии, нехватка земельных фондов для всех переселенцев, негодность и непродуктивность отводимых земель, стоимость аренды рабочих животных для обработки земли, отсутствие арендной платы за жилье, взимаемой с казаков. можно указать такие, как стоимость.

Ключевые слова: Российская империя, процесс переселения населения, местные жители, аренда жилья.

THE PROCESS OF RESETTLEMENT OF THE RUSSIAN POPULATION OF THE RUSSIAN EMPIRE TO THE FERGANA VALLEY AND ITS PROBLEMS

Abstract: Due to the fact that many problematic situations arose during the resettlement of the population to Turkestan, it became necessary for the government of the Empire to develop special rules and charters in this area. The population that moved to Turkestan, having got used to the conditions of a new place, faced a number of problems in the process of adaptation. These problems include difficulties with the relocation of the population from reception points to new places and settling there, the unfavorable housing situation in the original basement and reeds, the need to change professions, the lack of land funds for all settlers, the unfitness and unproductivity of the allocated land, the cost of renting working animals for land cultivation, the lack of rent for housing charged from Cossacks. you can specify such as the cost.

Keywords: *the Russian Empire, the process of population resettlement, local residents, rental housing.*

КИРИШ

XIX асрнинг 70 йилларида аҳолини Туркистонга кўчириш жараёни ўзига хос йўл ва йўналишларга эга бўлиб, Оренбург-Тошкент масофаси 2000 чақирим, Астрахань орқали ўтадиган йўл бундан ҳам узоқ эди. Кавказдан Узун Ада ва Михайлов қўлтиғи орқали Туркистонга келиш учун чўл ҳамда саҳролар орқали 1,5 минг чақирим масофани босиб ўтиш лозим бўлган. Кўчманчилар Жанубий Сибирдан Акмолинск, Тўрғай, Уральск орқали йўлга чиққанда ҳам 1,5 минг чақирим кумлоқ чўл йўллари босиб ўтишларига тўғри келарди. Ҳукумат томонидан кўчиб келувчилар учун Туркистон ўлкаси ёпилганидан кейин ҳам ерсиз ва кам ерли деҳқон оилалари ўз ихтиёри билан, таваккал қилиб йўлга чиқишда давом этган. Ўзбошимчалик билан кўчганлар Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази – Тошкентга қараб йўлга чиқишган. Туркистон генерал-губернаторлиги маъмур ва амалдорлари “Кўчириш бошқармаси” орқали ўз ихтиёри билан кўчган деҳқонларни ҳам вақтинчалик махсус аҳоли пунктларида жойлаштириш чораларини кўришга мажбур эди.

Тошкент шаҳри чеккасида “Кўчириш бошқармаси”га қарашли атрофи лой-сувок билан ўралган каттакон бино – “Кўчириш саройи” жойлашган. Бу саройда кўчиб келганлар вақтинча истиқомат қиладиган узун бараклар, врачлик санитария даволаш ва назорат пунктлари мавжуд бўлган. Сарой бараклари 20-25 оилага мўлжалланиб, ҳар бир барак тўсик деворлар билан ажратилган, уларда қишнинг уч ойлик совуқ кунларида яшаш учун тахта наралар қўйилган[1]. Кўчувчилар иссиқ кунларда шолিপоядан қилинган капалар, палаткалар тортилган чодирларда яшашган. “Кўчириш саройи”да одамларга фақат қайноқ сув берилган, улар учун умумий қозон ва арзон овқатланиш йўлга қўйилмаган[2]. Сарой майдонида аёллар ўз ҳолича қозон осиб таом тайёрлашган, эркалар шаҳарга иш қидириб кетишган, айримлари мардикорлик қилиб кундалик оила тирикчилиги учун маблағ топишган. Ҳукуматдан 200 тагача оилалар ер олиб, қишлоқларга кўчиб кетиш умидида бўлганлар. Деҳқонлар буғдойдан тайёрланадиган озиқ-овқатни пишириш учун саксовул сотиб олишга ҳисобларидан бир кунда 20–21 копеек. маблағ сарфлашган. Аҳён-аҳёнда кўчириш саройига келиб турадиган мирзога ҳукуматдан пул ва ер сўраб ариза ёздириб олишган. “Кўчириш бошқармаси” мутасаддилари бўш ерлар топилгунча бараклардаги деҳқонларни сабр билан кутишга ундаган. Олти ой ва бир йил давомида келажакдаги тақдирини кутиб, ғазаб ва нафратга тўлиб яшаётган деҳқонлар оиласига очарчилик ҳам хавф солган. “Кўчириш саройи”да қашшоқлик, инфекцион касалликлар, болалар бевақт ўлими каби ҳолатлар юз берган. Бундай ҳолатда улар учун қабристонлар яқинидаги бўш ерлар, темир йўл станциялари асосий бошпана бўлган. Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган тартиб-қоидаларда сарой ва баракларда яшаш талаблари белгиланганлигини манбалар ҳам акс эттиради[3]. Бироқ бу тартиб-қоидалар асосида иш кўриш учун моддий имкониятлар чегараланганди. Қолаверса, “Кўчириш бошқармаси” деҳқонлар учун қишлоқ ва посёлкалардан бўш ерлар топган вақтда, юқоридаги ҳолатга тушган деҳқон оилаларида у ерларга кўчиб бориб, ўз хўжаликларини тиклаш учун моддий ресурс етишмаган. Яъни, уларда уй жихозлари, деҳқончилик қуроллари, ишчи ҳайвонлари учун маблағ қолмаган. Натижада баъзилар ортга қайтиши учун ҳукуматдан арзон билет (чипта) сўраса, баъзилар хайрия ташкилотларидан ёрдам сўраб, бирор-бир посёлкада ўрнашиб қолган. 1907 йилга қадар ортга қайтмоқчи бўлганларга ҳукумат имтиёзли билет тақдим этган бўлса, кейин бу

тадбир тўхтатиб қўйилган. Охир-оқибатда Туркистонга “бахт ва фаровон ҳаёт” истаб келган катта ёшли эркак ва аёллар ҳеч вақосиз қолиб, уларнинг бир қисми тиланчилик қилган, хотин-қизлар эса жиноятчилар сафига бориб қўшилган. “Туркистон тўплами” ва даврий матбуотда “бахт излаб” Туркистонга кетадиганлар ҳаракатини ҳукумат ҳамма вақт ҳам назоратига ололмагани, улар ўлим ва очликка маҳкум этилганлиги, бундайларни Ватанга қайтариш тўғри йўл эканлигини маъқуллашга қаратилган мақола ва хабарлар ҳам оз сонли бўлса-да, босилганлиги ушбу масала бўйича турлича фикрлар мавжудлигини кўрсатади. Улар эътиқоди, урф-одати, ҳўжалик анъанаси узоқ бўлган маҳаллий аҳоли орасида қолиб кетишган, ярим оч яшаса-да, юртига қайтиш заруратини маъқул, деб ҳисоблаганлар ҳам анчагина эди[4]. Илмий адабиётларда ҳам уларнинг маълум бир қисми ўз юртларига қайтиб кетганлиги таъкидланади[5].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таъкидлаш жоизки, кўчириш жараёнини назоратга олиш ва тартибга солиш учун империя ҳукумати катта куч сарфлаган. Бироқ манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, давлатнинг бу масалада ягона концепцияси ва иш олиб бориш режаси бўлмаган, асосан вазиятга қараб тахминий ва таваккалчилик асосида иш кўрилган. Айниқса, 1892 йилдан сўнг Туркистон ўлкасида русийзабон аҳолининг ихтиёрий равишда кўчиб келишлари авж олди. Ҳукуматнинг таъқибига учрамасликни ўйлаб, ихтиёрий равишда кўчиб келган русийзабон оилалар сув ресурслари мавжуд бўлмаган, йўл қурилмаган, темир йўллардан узоқ бўлган жойларга кўчиб бориб жойлашганлар. Еттисувда ўз ихтиёри билан кўчиб келганларни ортга қайтариш учун айрим ҳолларда ҳукумат амалдорлари шафқатсизликдан иборат қаттиқ чоралар ҳам кўрилганлиги хусусида манбаларда ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, Еттисув вилояти ҳарбий губернатори Танович буйруғига кўра ўз ихтиёри билан кўчиб келганларнинг уйлари бузилиб, деразаси синдириб ташланган, иситиш печлари олиб кетилган[6]. Агар шундай қилинса, кўчиб келганлар совуқ қотиб, янги жойларини тарк этишади, деб ҳисоблашган. Ҳатто ушбу вилоятда давлат руҳсатисиз кўчганлар Чу дарёси воҳасидан табиати ноқулай, унумсиз бўлган узоқ ерларга ҳайдалган. Ушбу тадбирлар ва бошқа сабабларга кўра ўзича эркин кўчганлар қашшоқликка бардош беролмай, уларнинг 20-25 фоизи азалий яшаш жойларига, яъни ўз губернияларига қайтиб кетишган[7].

Маҳаллий аҳолининг кўчиб келганлар билан манфаати, эътиқоди, тил ва урф-одатлари бутунлай бошқача бўлиб, ҳўжалик ҳаёти ҳам мутлақо мос келмас эди. Шу билан бирга маҳаллий аҳоли ҳимоясиз бўлганлиги сабабли кўчиришга қаршилик қила олмас эди. Мустамлакачи маъмурият томонидан кўчиб келганларни ҳар доим ҳам ортга қайтариш имкони бўлмаган.

Кўчириш жараёнида ишсизлар оқими вужудга келганлиги ҳам ушбу сиёсатга нисбатан турли қарашларни вужудга келтирди. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга кўчириш имконияти мавжуд эмас, ўлкада бўш ерлар ва суғориладиган экин майдонлари тугаган, деб ҳисобловчилар, иккинчи гуруҳга кўчириш давлат сиёсати, уни зарурат, деб ҳисобловчиларни киритиш мумкин[8]. Бу икки гуруҳ ўртасида узоқ йиллар ғоявий кураш борганлиги, рус жамияти учун ҳам бу масалада ягона қараш шаклланмаганлигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, Россия империясининг Туркистон ўлкасига Европа тилли аҳолини кўчириш сиёсати аввалбошданоқ қутилган натижани бермай, ушбу жараёнида бошқариш, қонун ва қоидаларни жорий этиш ҳукумат назоратидан чиқиб кетганди.

Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш билан боғлиқ биринчи қонун мақомидаги ҳужжат 1886 йил 12 июлда қабул қилинган “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида Низом” бўлиб, бу Низомнинг бир қатор пункт ва моддаларида кўчирилган аҳоли ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, Низомнинг 238-моддасида шундай дейилган:

- кўчирилган аҳоли нафақат уй шароитида ичимлик суви билан таъминлансин, балки ирригация ишлари ва ерларни суғориш имконияти бор ерларга жойлаштирилсин;
- улар кўчадиган жойлар ихтиёрий танланмайди, айнан давлат белгиланган жойларда қишлоқ ва посёлкалар ташкил этилади;
- қайси кўчирилган оила белгиланган жойга кўчса, унга имтиёз сифатида пул ва моддий ёрдам кўрсатилади. Белгиланган жойга кўчиб ўтганлар уй-жой курса, бундай жойларга черков ва мактаблар, 100 дан ортиқ оилалар истиқомат қиладиган қишлоқларда билим юрти, монастр (черков)лар давлат ҳисобидан қурилади;
- ўз ихтиёри билан қишлоқлар барпо этиш, бир қишлоқдан иккинчисига кўчиб юриш тақиқланади[9].

Шунингдек, Низомнинг 280 ва 284-моддаларида Туркистон ҳарбий округидан истеъфога чиққан ҳарбий хизматчилар, кичик унвондаги зобитларнинг кўчадиган ҳар бир оиласига 10 десятинадан 30 десятинагача ер, 100 рубль пул, уй-жой қуриш учун ғишт, ёғоч маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатиш қайд этилган.

Низомнинг X-пунктида насронийлик динига эътиқод қилувчи русийзабон деҳқонларнинг кўчирилиши, улар фақат қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиши, бундайларга давлат бўш ерларидан 10 десятинадан ортиқ ер берилмаслиги алоҳида қайд этилган[10]. Низомдаги 155 ва 270–моддаларда эса қирғизлар (қозоқлар) томонидан фойдаланилмайдиган ерларни “бўш ерлар фонди”га киритиш ҳақида кўрсатма берилган[11].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Маҳаллий аҳоли томонидан норозиликнинг кучайиб бориши, ички вазиятнинг кескинлашуви ҳукуматни ён беришга мажбур қилди. Натижада, 1886 йилдаги Низом талабларини тақиқловчи, Туркистонга деҳқонларнинг кўчиб жойлашишига қарши буйруқни Туркистон генерал-губернатори С.Вревский имзолади. Россия империяси Ички ишлар вазирлиги Астрахань ва Каспий денгизи орқали Туркистонга йўл олган, қўлида рухсатномаси йўқ фуқароларни ортга қайтарди. “Деҳқончилик ва давлат мулклари бошқармаси” расман кўчиришни тақиқлади. Чунки Туркистондаги рус раҳбарияти ҳам кўчиришнинг кучайиб бориши ҳудуддаги ижтимоий муаммоларни кескинлаштириб бораётганлигидан чўчирдилар.

Кўчириш сиёсатини қўллаб қувватловчилар ҳам ўз мақсадлари сари курашда давом этганлар. Улар кўчириш сиёсати Россиянинг марказий ҳудудларидаги ижтимоий зиддиятларни юмшатади ва Туркистонда русийзабон аҳоли нуфузининг ошиши, мустамлакачи ҳукумат мавқини мустаҳкамлайди, деб ҳисобларди. Шундай гуруҳлар таъсирида Генерал-губернатор Духовский 1898 йилга келиб кўчирилувчилар учун “бўш ерлар” қидиришга топшириқ берди. Ўша йили Туркистон солиқ идораси ҳузурида “Кўчириш комитети” тузилди[12].

XX асрнинг дастлабки йилларида Россия империясида аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 2 млн. кишини ташкил этиб, 200 минг кишини кўчиришга демографик вазиятни

меъёрида ушлаб туриш мумкин бўлган кўрсаткич сифатида қаралган. XX аср бошларида Кавказ ҳамда Туркистондаги газеталарда имтиёзли ва ўз ихтиёри билан кўчадиганлар учун ер заҳиралари тугаганлигини кўрсатувчи, “Бўш ерлар тугаган” мазмунидаги мақолалар жуда кўп эълон қилинган.

Ерга бўлган талабнинг ошиб, ижтимоий вазиятнинг кескинлашиб бораётганлиги матбуотда эълон қилинган мақолаларда қуйидаги мазмундаги мунозаралар ҳам ўз аксини топган: Туркистонда аҳоли сони борган сари ўсиб борапти, 5 ойдан сўнг 12 миллионга етади (1901 йил–дисс.), “ерга очлик” кучаяди, Кўчиб келганлар “Қайтиб кетмаймиз, ҳайдашмоқчи бўлишса, қоқилган қозикдек тураверамиз, қатъий туриб оламиз”, дейишмоқда эди, Маъмурият эса: “Сиз ўз ихтиёрингиз билан келдингиз, Сизни ҳеч ким чақирган эмас! Аҳоли биз қандай ўз ихтиёримиз билан келамиз, бизни губернатор (Генерал-губернатор) чақирди”. “Сиз эгаллаган ер қирғизларники эди”, “Йўқ! Бу ерлар подшолик ери, биз бу ер учун қон тўқдик”, “Бизга ҳар бир жон бошига 0,5 десятина ер керак, ер Туркистонда кўп, ўлка бепоён, кўриқ, кенг, кўзинг билан илғай олмайсан”[13]. Бу мунозаралар Россиянинг марказий ҳудудларидаги муаммоларни Туркистон ҳисобига ечишга уринаётган марказий раҳбарият ва маҳаллий рус маъмурияти манфаатларини ҳам тўқнашганлигини кўрсатади. Туркистондаги ижтимоий вазиятнинг кескинлашувини бу ердаги маҳаллий рус маъмурияти ҳам ҳоҳламас эди, албатта.

МУҲОКАМА

Даврий матбуотда босилган мақолалар таҳлил қилинар экан, бу йўналишда мустамлака сиёсатининг моҳияти, мақсад ва вазифалари кўпроқ намоён бўлади. Уларда хитойликлар мўғул даштларини тезлик билан эгаллаб, Россия чегараларига яқинлашаётгани, кўчириш орқали қирғиз ва қозоқлар, сарт (ўзбек) ерларига тезкорлик билан кириб бориши, бу борада маблағни аямаслик тавсиялари берилади. Россия империяси Ўрта Қора денгиз губернияларида кўчиш учун ҳар бир киши бошига 2 рубль 77 копеек, чўл ўлкаларида 3 рубль 44 копеек, Туркистонда 3 рубль 52 копеек сарфлаётгани, аҳолидан олинадиган солиқ бошқа губернияларда бир йилга 1 рубль 97 копеек, Ўрта Осиёда ва чўл ўлкаларида 92 копеекдан 85 копеекча эканлиги кўрсатилиб, бундай имтиёзлар кўпайтирилиши зарурлиги таъкидланади[14].

1903 йилдан бошлаб кўчириш сиёсати билан боғлиқ қўшимча қонун ва Низом қабул қилинмаган бўлсада, “кўрсатма”, “буйруқ”, “циркуляр” қабила эълон қилиб турилган. “Асал ва қиём водийси” Туркистонга аҳолини кўчиришда янги воситалар қидирилганлигини манбалардаги маълумотлар тасдиқлайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, кўчириш жараёни муаммолари қуйидагиларда кўзга ташланди:

- масофанинг узоқлиги сабабли йўл қийинчиликлари, янги ҳаётни бошлаб олишдаги маиший қийинчиликлар;
- “Кўчириш пунктлари” ва кўчирилганларни вақтинча жой билан таъминлаш шаҳобчаларидаги шароитнинг ночорлиги;
- маҳаллий иқлим ва унга мос деҳқончилик маданиятини ўзлаштиришдаги муаммолар;
- кўчириб келтирилганлар учун ер фондларини етишмаслиги, тақсимланган ерларнинг доим ҳам яроқли ва унумдор эмаслиги.

Умуман олганда Туркистонга аҳолини кўчириш жараёни тўрт босқичда кечган бўлиб, унинг биринчи босқичи 1867-1881 йилларни ўз ичига олади. Унда асосан чегара вилоятларига рус казакларини кўчириш орқали сиёсий ва ҳарбий хавфсизликни таъминлаш, рус маъмуриятининг ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсад қилинган эди.

иккинчи босқичда (1881-1886 йй) эса рус деҳқонлари Россия марказий ҳудудларидан уюшган ҳолда мажбурий кўчирилган;

учинчи босқичда (1886-1903 йй) аҳоли ўлкага ўз ташаббуси, хоҳиши билан мустақил равишда кўчганлиги билан ажралиб туради;

тўртинчи босқичи (1903-1917 йй) эса рус деҳқонлари империянинг ғарбий ва жануби-ғарбий губернияларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабабли кўчганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Россия империяси ҳукумати ва Туркистон генерал губернаторлиги томонидан кўчирилган аҳолининг фаолиятини тартибга солиш учун қабул қилинган қонун ва Низомлар, қоида ва кўрсатмалар кутилган натижани бермаган. Кўчириш жараёнини тўлиқ назорат қила олмаган империя ҳукумати, ушбу масалага амалдор ва чиновникларнинг турлича ёндашуви каби муаммоларлар бу йўналишда мукамал низом ва қоида ишлаб чиқиш учун имкон бермаган.

Адабиётлар:

1. Валерианъ Правдив. Роль русской колонизации. // Туркестанский сборник. Том 436. – С.129–130.
2. Антонович. Переселенческая задача. // Туркестанский курьер, 1908. –№35.
3. Б.К. К вопросу о колонизации Туркестанского края. // Туркестанские ведомости. 1907. №162.
4. Колонизационное значение Туркестана // Торгово–промышленная газета. 1906. №210.
5. Брежнева С.Р.Русские переселенцы в Туркестане:проблемы взаимоотношения с местным населением.// НАУЧНЫЕ ВЕДОМОСТИ БелГУ. Серия История. Политология' 2016 № 1 (222). Выпуск 37. – С. 113-117.
6. Антонович. Переселенческая задача // Туркестанский курьер, 1908. –№ 35.
7. Юферьев В. Опыт о переселения нормы надела переселенцев в Туркестане. // Туркестанский сборник. Том 473. – С. 21–29.
8. Шкапский О. Переселенцы и аграрный вопрос в Семиречиньской области. // Туркестанский сборник. Том 472. – С.30.
9. Наша колонизация в Туркестан. // Туркестанский сборник. Том 586. – С.180.
10. Туркестанец. К вопросу о колонизации Туркестанского края. // Туркестанский сборник. Том 472. – С.2–3.
11. Кўрсатилган тўплам.– С.5–6.
12. 1906 йилда “Кўчириш комитети”, “Кўчириш партияси”га айлантирилиб, ушбу партия ноқонуний кўчганларга бўш ер фондлари яратиш ва янги посёлкалар барпо этишга киришди.
13. Рыбалов П. Переселение в Туркестан//Туркестанский курьер. 1908.– № 44; Тилгаев К. Богарные земли. // Туркестанский курьер. 1909. – № 98; Головин Г. Что говорить о Туркестане. // Туркестанский курьер. 1909. – № 44; У регулиарованные поземельного податного дела в Туркестанском крае. // Туркестанские ведомости. 1908 –.№ 103.
14. Принципы переселения. // Туркестанский сборник. Том 499. – С. 94.

15. Usarov, U. A., & Alimova, N. O. (2021). Agricultural And Watering System Of Samarkand In The Second Half Of The Xix Century And The Early Xx Century. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY (2767-472X)*, 2(07), 9-14.
16. Alimova, N. O. (2021). Some Views On The History Of Daily Life Of Women In The Villages Of The Ferghana Valley (1946-1991). *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(07), 45-47.
17. Alimova, N., & Suyarkulova, G. (2022). REVIEWS ON THE HISTORY OF LIGHT INDUSTRIAL ENTERPRISES IN UZBEKISTAN. *Gospodarka i Innowacje.*, 22, 639-642.
18. Alimova, N., & Maqsumov, N. (2022). TURKISTONDA QISHLOQ XO 'JALIKNING AHVOLI VA UNDAGI O 'ZGARISHLAR. *IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(10), 74-79.
19. Bekmirzaev, R. B. (2022). Socio-Economic Causes Of Ethnic Conflicts In The Ferghana Valley. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 2(06), 135-138.
20. Bekmirzaev, R. B. (2022). Historical And Political Problems Of The Ferghana Valley. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 11(6), 104-106.
21. Usarov, U. A., & Alimova, N. O. (2021). Agricultural And Watering System Of Samarkand In The Second Half Of The Xix Century And The Early Xx Century. *Current Research Journal Of History (2767-472x)*, 2(07), 9-14.
22. Bahridin, U. (2019). Ferghana In The Period Of Amir Timur's Struggle For Power (1360-1370). *International Journal Of Innovative Technology And Exploring Engineering*, 9(1), 3180-3187.
23. Usmonov, B. A. (2020). On The Dates Of The Military Clashes Between Sultan Ahmad Mirza And Umarshaikh Mirza. *Asian Journal Of Multidimensional Research (Ajmr)*, 9(5), 397-404.
24. Usmonov, B. A. (2020). Some Comments On The Cultural Life Of Fergana During The Reign Of Amirtemur And The Temurids. *Asian Journal Of Multidimensional Research (Ajmr)*, 9(11), 22-28.
25. Usmonov, B. A. (2021). A Study Of Political Processes In The Fergana Valley In 1371-1376. *Design Engineering*, 6174-6187.
26. Akhmedovich, U. B. About The Date Of The First And Second Mongolian Walks Of Amir Timur.
27. Usmonov, B. (2019). Horticulture In Fergana In The Temurid's Period. *Scientific Journal Of The Fergana State University*, 2(4), 73-75.
28. Usmonov, B. (2019). Sultan Abusaid Mirza And Yunuskhan. *Science And Education*, 2(10), 5.
29. Usmonov, B. (2018). The Adylshah Jalayir Revolt: Causes, Course And Consequences. *Scientific Journal Of The Fergana State University*, 1(1), 47-50.
30. Egamberdiyeva, T. U. A., & Qurbonov, J. A. (2020). Diagnostics Of Formation And Development Of Intellectual Culture Among Students. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 2(4), 512-519.
31. Egamberdieva, T. (2021). Mechanisms Of Gender Equality And Differences In The Educational Process.
32. Yuldoshev, S. V. (2021). Pedagogical Analysis And Methodology Of Children's Games. *The American Journal Of Social Science And Education Innovations*, 3(11), 36-40.

32. Valievich, Y. S. (2020). Children's Games As An Important Factor In The Upbringing Of A Harmonious Generation. *European Journal Of Research And Reflection In Educational Sciences* Vol, 8(9).
33. Valiyevich, Y. S., & Azamatjon, O. (2022). Theoretical And Practical Prospects For The Development Of Ethnotourism In Uzbekistan. *European Journal Of Innovation In Nonformal Education*, 2(4), 21-24.
34. Yo'ldashev, S., & Dilshodjon, M. (2022). Ta'lim Tizimida Innovatsion Texnologiyalarining Ahamiyati. Integration Of Science, Education And Practice. *Scientific-Methodical Journal*, 3(6), 427-431.
35. Sharafiddinov, A. (2022). History Of The Kokand Khanate In Foreign Studies. *Gospodarka I Innowacje*, 27, 33-36.
36. Sharafiddinov, A. Два Перевода «Маттео Фальконе». Молодой Учёный, 1643.
37. Urmonov U. Role Of Livestock And Livestock Products In Domestic And Foreign Trade Of The Ferghana Valley (Late Xix-Beginning Of Xx Century): <https://doi.org/10.47100/Conferences.V1i1.1261>. Inresearch Support Center Conferences 2021 Aug 18 (No. 18.05).
38. Urmonov, U. (2021, June). Role Of Livestock And Livestock Products In Domestic And Foreign Trade Of The Ferghana Valley (Late Xix-Beginning Of Xx Century). In Конференции.
39. Urmonov, U. (2021, August). Role Of Livestock And Livestock Products In Domestic And Foreign Trade Of The Ferghana Valley (Late Xix-Beginning Of Xx Century): <https://doi.org/10.47100/Conferences.V1i1.1261>. In Research Support Center Conferences (No. 18.05).
40. Rasulov, A. M. (2022). МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ РАСМИЙ МАНБАЛАРИ. *Scientific progress*, 3(3), 544-547.
41. Rasulov, A. M. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБАЛ ТАРМОҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. *Scientific progress*, 2(6), 926-930.
42. Rasulov, A. M. (2021). МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК. *Scientific progress*, 2(6), 931-936.